



16. Биргаликда китоб ўқиш ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатларини яхшилайди.

Психологлар биргаликда китоб ўқиш жараёнида ота-оналар ва болалар ўртасида ўзига хос муносабат ўрнатилади деб ҳисоблашади. Уларнинг айтишларича, бундай муносабат биргаликда телевизор кўрганда асло пайдо бўлмайди.

17. Мутолаа молиявий қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам беради.

Статистика маълумотларига кўра, умуман китоб ўқимайдиган инсонларнинг 43 фоизи кашшокликда яшайди. Саводли инсонлар орасида эса кашшокликда яшайдиганлар 4 фоизни ташкил этади.

18. Кўп китоб ўқийдиган болалар дарсларни яхши ўзлаштиришади.

Тадқиқотларда аниқланишича, китоб ўқишни хуш кўрадиган болалар мактабда ҳам яхши ўқишади. Улар грамматикани ҳам, математикани ҳам яхши ўзлаштиришади.

19. Мутолаа жиноятчиликнинг олдини олади.

Ўтказилган тадқиқотдан маълум бўлишича, панжара орғида саводхонлигини оширган жиноятчилар озодликка чиққанларидан сўнг бошқа жиноятчиларга нисбатан жиноятга 30 фоиз камроқ қўл урадилар.

20. Мутолаа яхши ҳикоянависга айлантиради.

Инсон китобни қанча кўп ўқиса, ҳикоя қилиш қобилияти шунчалик ошади. Кераксиз гапларни камроқ гапириб, кераклиларини яхшироқ етказадиган бўлади.

21. Мутолаа яхшилик қилишга ундайди

Фаол китобхонлар хайрия ишлари билан бошқаларга нисбатан уч марта кўпроқ шугулланишади. Мутолаа муҳтож инсонларга ёрдам қўлини чўзишга ундайди.

Дарҳақиқат, китоб-руҳиятимиз озۇқаси, у билан дўстлашиш нафақат бизни маънан юксалтиради, балки жаҳонни танитади, эзгуликка етаклайди.

Инсон камолоти ва билимининг манбаи китоб билан боғлиқ. У инсонни комиллик сари етаклайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, китоб маслаҳатчи, садокатли ҳамроҳ, энг яқин дўст ва бебаҳо бойлик ҳисобланади. Бола тарбиясида унинг ўрни муҳим. Ҳамма асрларда бўлгани каби айни даврда ҳам ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашда бадий адабиётнинг ўрни бекиёс. Китоб ўқиган бола ўз билими, дунёқараши, руҳияти ва манавиятини бойитиб, оламни теран англай бошлайди. Ҳаёт ва гузалликни кадрлашни, аждодларимиз меросини асраб-авайлашни ўрганади.

Ўзбек оилаларида китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаш ва китобхонлик қадимий анъаналардан бири бўлиб, халқимиз маънавий камолотида муҳим ўрин тутади.

ОИЛА, ЁШЛАР ВА КИТОБХОНЛИК

Агзамова Дилноза Машрабжонова
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
етакчи мутахассиси

Китоб – шундай муъжиза эканки, у чиққан чўққига, у эгаллаган макомга, олий рутбага ҳар қандай кашфийёт чиқаолмайди! Театр пайдо бўлди, одамлар китоб ўқимасдан, осонгина томоша қилиб қўя қоламиз дейишди. Лекин, театр берган завқ, театр берган шуқуҳ, маънавий хазина китоб ўрнини боса олмади. Газета чиқди, радио чиқди. Лекин улар ҳам инсон қалбидаги маънавий чанқокни қондиrolмади.



Интернет чикди, ҳамма ўзини интернетга урди, худди янги урф чикканда ҳамма ўзини шу урфга ургандек. Ва амин бўлишдики, интернет оддий ахборот куроли, тараккиётнинг илгор меваси ва китоб орқали яратилган кашфиётларнинг биригина экан, холос. Ва одамлар янада чуқурроқ англашдики, театр ҳам, кино ҳам, интернет ҳам китобнинг рақобатчилари эмас, улар бари китоб туккан фарзанд, китобнинг болалари, набиралари, эваралари, чеваралари экан, холос. Улар бари, шу китоб деган буюк бободан тарқалган уруғ аймақлар, қавму-қариндошлар, томири туташган туғишганлар экан, холос. Китоб – деган улкан хазанадан чиққан жавохирлар, дуру гавҳарлар, олтин-у кумушлар экан, холос.

Юксак касб эгаси бўлиш шахсни юксак маданиятидан дарак бермайди. Шу сабабли меҳнатни улуглайдиган унинг самарасини акс эттирадиган, меҳнат бахт-шодлик калити эканлигини англатадиган манбаларни тавсия этиш орқали кутубхоналар бу ишларга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Китобхонликни заруратга айлантириш керак. Агар фарзандларимизда китоб ўқишга ҳавас бўлмаса, унинг китоб ўқишга бўлган эътиборини ўзгартириш мушкул бўлиб қолади. Уларни ўқишга мажбурлаш эмас, балки китоб ўқишга ҳавас уйғотиш лозим. Бу борада ота-она, устозу мураббийлар ва кутубхона ходимлари бевосита ёрдам беришлари лозим бўлади. Бунда болаларнинг ёш хусусияти, кизиқиши ҳисобга олиниши керак. Италия ёзувчиси Сенека: «Китобларнинг сони эмас, уларнинг яхшиси фойда келтиради», – деб айтган эди.

Оилада болаларга алоҳида хона ажратиш ва албатта кичкина китоб жавонини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда ҳурматли ота-оналаримиз болажонларга китоб ниҳоятда муқаддаслиги, у билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш кераклигини ўқитишлари лозим.

Таълим муассасаларида, оилада болани китобга нисбатан қизиқтириш, эътиборини оширишда муаллимнинг хизмати беқиёсдир.

Ахлоқий тарбиянинг ақлий-маънавий ва жисмоний тарбия билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Ушанда жамиятимиз ҳар жиҳатдан камол топган фуқаролик жамиятига айланади. Мамлакатимизда бунинг учун барча ҳуқуқий-ижтимоий шарт-шароитлар яратилган.

Биз катталар болалардан кўп китоб ўқишни талаб этамиз. Бу бир қарашда тўғридек. Лекин бу ерда асосий гап ўқувчи-ёшларимизнинг ўқимоқчи бўлган китобининг ёшига мослиги, кизиқиши, мойиллигига тўғри келишига эътиборни қаратиш ва ниҳоят ўз китобини ўқиши лозимлигига қаратишимиз лозим. Бу ўқиш маданияти қандай ва қай даражада тарбияланганига боғлиқ.

Фарзандга илм. хунар ўргатиш фарз. Илмли кишилар доимо эл орасида ҳурматга лойик бўлиб, алоҳида эъзозланадилар. Арабларда «Ёшлиқда олинган билим гўё тошга ўйилган нақш кабидир» деган нақл бор. Шундай экан илм олишга ёшлиқдан ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир киши ёшлиқ даврини ғанимат билиб, бепарво бўлмай, келажақда ўзи ва халқ манфаати, бахт-саодати йўлида фойда берадиган илм олишга интилмоғи лозим.

Китоб ўқиш маданиятига китоб харид этиш ва кутубхонани мунтазам бойитиб боришга алоҳида эътибор билан қараш, китоб сақлаш одоби, ўқиш жараёни, ўқиганни ўзига ва ҳаётга гатбиқ эта билиш каби яна ўнлаб масалалар киради. Китобни танлаб, аниқ мақсадни ўйлаган ҳолда ўқиш зарур.

Бундан ташқари бола фақатгина китоб ўқиш билан чегараланиб қолмасдан, балки китобдаги асосий маъно-мазмунга тушуниши ҳам лозим. Агар фарзандларимизда китоб ўқишга ҳавас бўлмаса, унинг китоб ўқишга бўлган эътиборини ўзгартириш мушкул бўлиб қолади. Уларни ўқишга мажбурлаш эмас, балки китоб ўқишга ҳавас уйғотиш лозим. Бу борада ота-она, устозу мураббийлар ва кутубхона ходимлари бевосита ёрдам беришлари лозим бўлади.

Китобга бўлган хавас ўқувчиларимизни керак бўлса айрим асарларни такрор ва такрор ўқишга олиб келади. Немис шоири Ф.Гейббель айтганидай: «Ўқилган китобларни такрор ўқиш саводхонликнинг энг ишончли тарозисидир» деб айтган эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, илм-фан, технология юксак даражада ривожланган давлатларда одамлар китоб мутолаасига меҳр билан қарашади. Дарҳақиқат, ўқимаган одам ҳаётда орқада қолади, аниқроғи, тараққиёт тезлашган замонда кучли рақобатга дош беролмайди. Китоб инсоннинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширувчи, маънавийли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказувчи, уларнинг қалбида Ватанга садоқат, миллий, умуминсоний гояларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кучайтирувчи бекиёс воситадир.

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ КУТУБХОНАЛАРНИНГ ТУТГАН ўРНИ

Б.И.Ганиева

**Тошкент ахборот технологиялари университети
«Ахборот-кутубхона тизимлари» кафедраси мудир, п.ф.н., дотцент**

Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида электрон кутубхоналар барпо этиш, корпоратив тармоқ орқали маълумотлар алмашиш, виртуал муҳитда хизмат кўрсатиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар жаҳон андозаларига мос, жаҳон талаблари доирасида бажарилиши юқорида таъкидланганидек, муҳим курсаткичлардан бири ҳисобланади. Охириги йилларда ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил этишда бир қатор лойиҳалар амалга оширилдики, улар нафақат республика кутубхоначилиқ ишини ривожлантиришга, балки, жаҳон андозаларига мос равишда шакллантиришга хизмат қиляпти. Шу ўринда бу борада Европанинг етакчи мамлакатларида рақамли кутубхоналар барпо этиш борасида амалга оширилган иш тажрибаларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ўз фаолиятимизда қўллаш электрон кутубхоналарни шакллантириш ишларини янада ривожлантиришда катта натижа бериши аниқ.

Рақамли кутубхоналар тушунчаси, уларнинг мавжуд бўлишлиқ мазмуни ҳақида фикр юритар эканмиз. Интернет тармоғида жуда кўп рақамли кутубхоналарнинг мавжудлиги, уларнинг кўпчилиги қатъий стандартларга мос эмаслигини таъкидлаш мумкин.

Рақамли кутубхоналар гоёси янгилик бўлмасада 1990 йилга қадар реал бўлмаган. Умуман илк рақамли кутубхоналар Америка Қўшма Штатларида барпо этилган бўлиб, Александрия рақамли кутубхонаси лойиҳаси, Инициатива рақамли кутубхонаси лойиҳалари мисол бўла олади. Тез орада рақамли кутубхоналар яратиш борасидаги гоялар, маданий қадриятларнинг сақлаш ва етказишнинг янги муҳимроқ тури сифатида Европага тарқалди. Бу ўзгаришлар ривожланиши турли даражада бўлган Европа мамлакатларига тарқала бошлади. Европа турли хил ривожланишдаги мамлакатлар бир бирига жуда яқин жойлашган минтақалардан биридир. Ўхшаш маданий қадриятлар, бир бирига яқин бўлган маданий мерос бу мамлакатларни бирлаштиради. Мазкур асос Европа мамлакатлари орасидаги ҳамкорликни кучайтиради. Ҳамкорлик анъаналари Рақамли кутубхоналар яратишда ҳам сақланган.